

Сизларни қандай дуо қиламан?



08:00 / 11.08.2020 1121

Маниъ айтади: «Бир савдогар қароқчилар қўлига тушиб қолди. Қароқчилар унинг кемасини олиб қўйишди. Савдогар Молик ибн Динорнинг олдига келиб, бўлиб ўтган воқеани айтиб берди. Молик у киши билан қароқчиларнинг олдига борди. Улар Моликни кўришлари билан: «Эй Абу Яҳё, бизга нима хизмат бор?» дейишди. Молик ибн Динор «Мана бу одамнинг кемасини қайтариб беринглар», дедилар. Улар «Хўп бўлади» деб, бошқа бир сўз айтишмади, кемани қайтариб беришди. Қароқчиларнинг бир идиши бўлиб, одамлардан ноҳақ йўл билан тортиб олинган пулларни ўша идишга солишар эди. Улар Молик ибн Динорга: «Эй Абу Яҳё, бизни дуо қилинг», дейишди. Молик: «Қандай қилиб мен сизларни дуо қиламан? Сизлар мана бу идишга айтинглари, сизларни дуо қилсин. Сизларни минг киши дуоибад қилиб турибди. Мингтасининг дуоибади ижобат бўлмай, биттасининг дуоси ижобат бўладими?!» дедилар».

«Солиҳлар гулшани» китобидан